



ХУРМАТЛИ ҲАМКАСАБЛАР!

Сизни 2019 йил 15-16 ноябрда Тошкент фармацевтика институтида ўтказиладиган “Фармацевтика соҳасининг бугунги ҳолати: муаммолар ва истиқболлар” мавзусидаги ҳалқаро иштирокидаги илмий-амалий анжуманга таклиф қиласиз.

Анжуманинг мақсади: Инновацион, рақобатбардош дори-дармонларни яратиш истиқболларини, фармацевтика фанлари ва технологияларининг асосий муаммолари, ечимлари ва ютуқларини муҳокама қилиш, фикр алмашиш

ТАШКИЛОТЧИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент фармацевтика институти

Конференция иштирокчилари: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг педагог-ўқитувчилари, олимлар, илмий тадқиқотчилари, магистр талабалар ва соҳадаги бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

АНЖУМАН ЙЎНАЛИШЛАРИ:

- фармацевтик таълим соҳасидаги ислоҳот, ютуқлар, муаммолар, келажак режалари;
- саноат фармациясидаги долзарб муаммолар;
- фармацияда маркетинг ва менежмент, миллий дори сиёсатининг устивор йўналишлари;
- дори воситалари сифатини назорат қилиш, стандартлаш ва сертификатлаш;
- янги дори воситаларини яратиш;
- фармакология ва клиник фармация;
- суд ва клиник токсикология.

АНЖУМАН ФОРМАТИ

- Пленар маъruzалар
- Секцион маъruzалар
- Деворий маъruzалар

Иштирок этиш шакллари: оғзаки ёки деворий маъруза. Бир муаллиф кўпи билан учта мақолада иштирок этиши мумкин.

Анжуманнинг ишчи тиллари: ўзбек, рус, инглиз тиллари.

Анжуман бошланишига тезислар тўпламини чоп этиш режалаштирилган. Ташкилий қўмита анжуман мавзусига тегишли бўлмаган тезисларни рад этиши мумкин.

Анжуманда иштирок этиш учун мақолалар ва иштирокчи қайдномаси **«анжуманга ...дан (маърузачи фамилияси)»** ёзуви билан naukapharmi@mail.ru naukapharmi@mail.ru электрон манзилга жўнатилиши лозим. Материалларни қабул қилишнинг охирги муддати 2019 йил 15 сентябрь. Ҳаммуаллифлар бўлган ҳолда, қайд варақаси фақат маърузачи учун тўлдирилади.

ТЕЗИСГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:

1. Тезислар ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади.
2. А4 форматида 2 тўлиқ сахифа, барча томонлар чегараси 2 см.дан, 1,0 интервал, 14 ўлчамда Times New Roman шрифтида, графикалар, расмлар png форматида
3. Республикадаги иштирокчилардан тезислар қофозда икки нусхада ва электрон шаклда (формат Microsoft Word DOCX) топширилиши керак. Тезислар 2019 йил 15 сентябрга қадар "Конференцияга ..." мавзусида электрон манзил орқали naukapharmi@mail.ru га юборилиши зарур.
4. Файлда факат бир тезис бўлиши керак, файл номи биринчи муаллифнинг номи билан номланади (масалан **Botirov I.M.docx**).
5. Мақоланинг структураси: муаллифларнинг исми ва фамилияси, тезис номи (катта ҳарфлар билан), ташкилотнинг тўлиқ номи, шаҳар, мамлакат, электрон почта манзили.
6. Матн бўлимлари: тадқиқот мақсади, усул ва услублари, натижалари ва хуносалари хатбоҳисиз, кичик ҳарфлар билан берилади. Мақоланинг охирида алифбо тартибида библиографик адабиётлар берилади.

Анжуман талабларини бузган ҳолда жўнатилган тезислар ташкилий қўмита томонидан кўриб чиқилмайди ва қайтарилмайди!

Ташкилий қўмита материалларни тўпламга киритиш хуқукини ўзида сақлаб қолади!

БОГЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТ

Ташкилий қўмита:

Муллажонова Манзура Тахировна, ф.ф.н. (илмий бўлим мудири)

Тел.: (99871)256-39-54, e-mail: naukapharmi@yandex.com

Нуридиллаева Камола (+998 90) 8050026 (моб.), e-mail: naukapharmi@mail.ru

Иштирокчи қайдномаси ва тезис намунаси иловада келтирилган (Рег форма и образец тезиса.doc).